


Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги

2016 йилнинг январь-декабрида ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) умумий ҳажми 2380,9 млрд. сўмни ёки 2015 йилнинг шу даврига нисбатан 107,1 фоизни, шу жумладан, деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва бу соҳаларда кўрсатилган хизматлар ҳажми 2230,3 млрд. сўмни (106,9 фоиз), ўрмончилик хўжаликларида 3,0 млрд. сўмни (101,2 фоиз), балиқчилик хўжаликларида 22,4 млрд. сўмни (128,4 фоиз) ташкил қилди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг хўжаликлар тоифалари бўйича тақсимланиши қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



Деҳқончилик. Дастлабки маълумотларга кўра, барча тоифадаги хўжаликларда жорий йилнинг январь-декабрь ойлари ҳосили учун экилган қишлоқ хўжалик экинларининг умумий майдони 103557 гектарни ташкил қилиб, бошоқли дон 51381 гектар, картошка 1862 гектар, сабзавот 4127 гектар, полиз экинлари 1601 гектар майдонни ташкил қилди.

Ҳосил йиғими. 2016 йил январь-декабрь ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 258020 тонна сабзавот (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 8,9 фоизга кўп), 74346 тонна картошка (9,3 фоизга кўп), 74241 полиз (8,8 фоизга кўп), мева ва резаворлар 114902 тонна (9,0 фоизга кўп), узум 83770 тонна (11,6 фоизга кўп) етиштирилди.

Чорвачилик. 2017 йилнинг 1 январь ҳолатига ўтган йилнинг шу даврига нисбатан йирик шохли қорамоллар 4,8 фоизга (жами 435,0 минг бошни ташкил қилди), шу жумладан сигирлар 1,3 фоизга (173,1 минг бош), қўй ва эчкилар

0,5 фоизга (1869,5 минг бош), паррандалар 6,5 фоизга (2,1 млн. бош) кўпайди, отлар эса 0,4 фоизга камайиб 15515 бошни ташкил этди.

2017 йил 1 январь ҳолатига чорва моллари ва паррандалар бош сони куйидагича:

	минг бош	ўсиш суръати, %
Йирик шохли корамол	435,0	104,8
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	23,8	103,0
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	403,2	104,4
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	8,0	140,4
улардан сигирлар	173,1	101,3
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	8,8	103,5
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	162,9	101,2
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	1,4	100,0
Қўй ва эчкилар	1869,5	100,5
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	157,7	105,1
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	1035,7	103,0
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	676,1	96,1
Отлар (бош)	15515	99,6
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	1033	120,0
Дехқон (аҳолининг шахсий	8935	97,6

	минг бош	ўсиш суръати, %
ёрдамчи) хўжаликлари		
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	5547	99,8
Паррандалар	2100	106,5
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	255,2	107,2
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	1447,6	105,1
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	397,2	111,8

Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликларида йирик шохли қорамолларнинг улуши 92,7 фоизни, фермер хўжаликларида эса 5,5 фоизни, шу жумладан, сигирлар мос равишда 94,1 ва 5,1 фоизни, қўй ва эчкилар 55,4 ва 8,4 фоизни, отлар 57,6 ва 6,7 фоизни, паррандалар 68,9 ва 12,2 фоизни ташкил этди.

2016 йилнинг январь-декабрда барча тоифадаги хўжаликларда тирик вазн ҳисобида 141,6 минг тонна гўшт (2015 йилнинг январь-декабрга нисбатан 6,4 фоизга кўп), 415,1 минг тонна суг (6,9 фоизга кўп), 262,3 млн. дона тухум (11,6 фоизга кўп) ишлаб чиқарилди.

2016 йил январь-декабрь ойларида ишлаб чиқарилган чорвачилик маҳсулотлари қуйидагича:


	миқдори	ўсиш суръати, %
Гўшт (тирик вазнда), минг тн.	141,6	106,4
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	3,1	108,1
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	127,1	106,1
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	11,4	110,1

	миқдори	ўсиш суръати, %
Сут, минг тн.	415,1	106,9
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	15,4	103,9
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	396,4	107,0
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	3,3	100,9
Тухум, млн. дона	262,3	111,6
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	34,7	108,5
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	177,1	111,4
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	50,5	114,7

Барча ҳудудларда чорвачилик маҳсулотлари (гўшт, сут, тухум) ишлаб чиқаришнинг ўсиши асосан деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳисобига бўлиб, гўшт ишлаб чиқариш умумий ҳажмида уларнинг улуши 92,1 фоизни, сут ишлаб чиқаришда 99,1 фоизни, тухум ишлаб чиқаришда 80,7 фоизни ташкил этди.

2017 йилнинг 1 январь ҳолатига чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркиби қуйидагича ифодаланади:

ишлаб чиқариш умумий ҳажмига нисбатан фоиз ҳисобида



Фермер хўжаликлари. 2016 йилнинг январь-декабрида фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 584,9 млрд. сўмни ёки 2015 йилнинг тегишли даврига нисбатан 104,5 фоизни ташкил қилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмида фермер хўжалиklarининг улуши 24,6 фоизни ташкил этди.

2017 йилнинг 1 январь ҳолатига фермер хўжаликларида 23,8 минг бош йирик шохли қорамол, шу жумладан 8,8 минг бош сигир, 157,7 минг бош қўй ва эчкилар, 1033 бош от, 255,2 минг бош паррандалар мавжуд.

2016 йил январь-декабрь ҳолатига фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари қуйидагича ифодаланади:

	январь-декабрь				2015 январь-декабрга нисбатан фоиз ҳисобида
	2015 йил		2016 йил		
	тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз	тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз	
Жами дон	201657	74,2	204969	73,3	101,6
Пахта	106531	99,3	105296	99,1	98,8
Картошка	8671	12,7	9456	12,7	109,1

январь-декабрь

	2015 йил		2016 йил		2015 январь- декабрга нисбатан фоиз ҳисобида
	тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз	тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз	
Сабзавот	52562	22,2	55856	21,6	106,3
Мевалар ва резаворлар	50490	47,9	52597	45,8	104,2
Узум	34150	45,5	38593	45,6	113,0
Полиз	22506	33,0	23204	31,3	103,1
Гўшт, тирик вазнда	2874	2,2	3108	2,2	108,1
Сут	14789	3,8	15359	3,7	103,9
Тухум, минг дона	31971	13,6	34688	13,6	108,5
Қирқиб олинган жун	254,9	7,1	266,4	7,1	104,5
Қоракўл тери, дона	13118	5,6	13120	5,5	100,0
Олинган асал	36,0	4,1	10,1	1,1	28,1
Овланган балиқ	1076,0	19,2	1238,0	16,5	115,1
Пилла хом-ашё	950,1	94,4	962,2	95,5	101,3